1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI

2018-YIL 17-MAY
PAYSHANBA

*Biz – kelajak bunyodkorimiz!*

# YOSHLAR OVOZI

58
(16215)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ЯНГИ УФҚ ВА МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

**Вашингтон, 16 май. ЎзА махсус мухбири Абу Бакр ЎРОЗОВ хабар қилади.**

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15 май куни илк расмий ташриф билан Вашингтонга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 16 май куни Америка Қўшма Штатлари Президентининг расмий қароргоҳи — Оқ уйда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп кутиб олди.

Кейинги вақтларда икки мамлакат ўртасида давлат раҳбарлари даражасида мулоқотлар мунтазамлик касб этмоқда. 2017 йилда Ўзбекистон ва АҚШ Президентлари икки марта — май ойида Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида ҳамда сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Нью-Йоркда учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқалар ва истиқболдаги режалар хусусида суҳбатлашди.

Шунингдек, 2017 йилда Ўзбекистон ва АҚШ раҳбарларининг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Жорий йил март ойида Президент Дональд Трамп Президент Шавкат Мирзиёевга Тошкент шаҳрида ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конференция арафасида мактуб йўллади.

Ўша мулоқотларда давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир масалалар, ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШ Президенти Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва кооперацияни фаоллаштиришга қаратилган, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган очиқ ва конструктив ташқи сиёсати ҳамда фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатларининг стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, айниқса, минтақавий ва халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги долзарб масалалар бўйича икки давлат раҳбарларининг қараш ва ёндашувлари муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган вақт давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўзаро англашув, ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни ривожлантириш йўлида муҳим қадамлар қўйди.

Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришнинг истиқболли режаларини биргаликда кўриб чиқиш мақсадида Президент Дональд Трамп Ўзбекистон раҳбарини АҚШга расмий ташриф билан келишни таклиф қилди. Ўзбекистон Президенти томонидан мамнуният билан қабул қилинган ушбу таклиф олий даражадаги мулоқотларнинг янги даврини бошлаб берди.

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашувида Дональд Трамп мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги умумий мақсадларни амалга оширишда биргаликда ишлашдан мамнун эканини қайд этди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

**2018 йил 16 май куни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қабул қилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Оқ уйга илк тарихий ташрифи Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини очиб берди.**

Музокаралар давомида Президент Д.Трамп Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига қатъий содиқлигини таъкидлади. Президент Д.Трамп Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда эришилаётган улкан ютуқларни эътироф этди. Президентлар кенг жабҳадаги ўзаро устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, 2002 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Декларацияга янгича сурьат бағишлаш мақсадида икки томонлама муносабатларни янги мулоқот асосида мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишда эришилаётган прогресс орқага қайтмаслик хусусиятига эга эканини эътироф этди. У давлат органлари халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйишлари лозимлигини таъкидлади. Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда очиқ ва конструктив ташқи сиёсат олиб боришни илгари суриши таъкидланди.

Президент Д.Трамп терроризмга қарши курашишда Қўшма Штатларнинг Ўзбекистон билан азалий шериклигини қайд этиб ўтди. 2001 йил 11 сентябрдаги мудҳиш воқеалардан сўнг, Ўзбекистон АҚШга ўта муҳим логистик имкониятни тақдим этганлиги ҳамда "Ал-Қоида" террорчиларини Афғонистондан сиқиб чиқаришда кўмак кўрсатгани таъкидланди. Президент Ш.Мирзиёев ташриф давомида Президент Д.Трампнинг Жанубий Осиё бўйича стратегиясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини тасдиқлади ҳамда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, масъулиятни тақсимлаш ва минтақавий хафвсизлик масалаларини ҳал этиш, шу жумладан, Афғонистонда барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббусларини муҳокама этди.

Президент Д.Трамп кучли ва мустақил Марказий Осиёнинг муҳимлигини қайд этди ҳамда Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрда бўлиб ўтган Самарқанд конференциясида муҳокама қилинган Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг ҳамкорлик мулоқоти йиғилишини ўтказиш бўйича саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қарши олди. Президент Ш.Мирзиёев жорий йилнинг март ойида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг йиғилишида иштирок этганлиги ва у минтақалараро савдони ривожлантириш ва хавфсизликка оид таҳдидлар бўйича биргаликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун янги имкониятлар очиб берганлиги қайд этилди. Президент Д.Трамп ушбу муҳим мулоқотда Ўзбекистон асосий роль ўйнашини эътироф этди ҳамда Қўшма Штатлар «C5+1» минтақавий формати орқали ҳамкорлик ва тараққиётни қўллаб-қувватлашини билдирди. Президентлар Афғонистоннинг Марказий Осиёдаги кўп томонлама ҳамкорлик форматларида иштирок этишини қўллаб-қувватладилар.

**Минтақавий ҳамкорлик**

Президент Д.Трамп Президент Ш.Мирзиёевни халқаро ҳамжамиятнинг "Толибон" афғон ҳукумати билан тинч музокараларни бошлаши лозимлиги тўғрисида ягона позициясини тасдиқлаган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида 2018 йилдаги Тошкент халқаро конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан қутлади. Президент Ш.Мирзиёев ва Президент Д.Трамп Афғонистон хавфсизлик кучлари ва тинч аҳолисига қарши қаратилган жирканч террорчилик ҳужумларини қаттиқ қораладилар ҳамда Афғонистон дуч келаётган хавф-хатарларга барҳам бериш бўйича мулоқотни кенгайтиришга содиқ эканликларини билдирдилар. Президент Ш.Мирзиёев Афғонистон ҳукуматини тўлиқ сиёсий қўллаб-қувватлашини эътироф этди ҳамда 2017 йил декабрда Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифини ҳамда унинг якуни бўйича икки ҳукумат ўртасида савдо айланмасини кўпайтириш ва ўта муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан бир қатор битимлар имзоланганини муҳокама қилди. Президент Д.Трамп Ўзбекистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларда муҳим роль ўйнаётганини эътироф этиб, мамлакатнинг Афғонистон билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини олқишлади. У Ўзбекистон томонидан режалаштирилаётган Афғонистондаги темир йўл ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишга сиёсий ва консультатив кўмак кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ИСТЕЪДОДЛАР ПАРВОЗИ



Тадбир том маънода дўстлик учрашувига айланиб кетди. Боиси унга Татаристон Республикаси спорт ва ёшлар вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Галифулин бошчилигидаги делегация ҳам ташриф буюрди.

2-саҳифага қаранг

MUNOSABAT

## ЭРТАК АЙТСАНГ БОЛАНГГА УХЛАТМАСЛИК УЧУН АЙТ...

"...Амир Муҳаммад Тарағай фарзандлик бўлгани тўғрисидаги хушхабарни унга етказиш учун келган чопар янгиликни айтиб суюнчилар экан, болага қандай исм қўйилишини остонада илҳақ бўлиб кутарди. Муҳаммад Тарағай Қуръони каримни очиб, кўзини юмганча бармоғини унга теккизди. Кўзини очди ва исмини Темур қўйинглар, деди. Чопар ортга қайтди...".

Дадамнинг бу эртагини чурқ этмай тинглардик. Қулоғимизга воқеа-ҳодисалар худди кўз ўнгимизда бўлаётгандек отнинг дупури, эндигина дунёга келган чақалоқ йиғиси эшитиларди...

Ҳар куни кеч тушишини интизорлик билан кутардик. Ахир, дадам бизга янги эртак айтиб берарди-да. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 14 ёшида отасининг ўрнига Фарғона улусининг ҳокими этиб тайинланганидан бошлаб, Хонзодабегим иккиси ўртасидаги опа-укалик ришталари билан тугатиладиган ҳикоя воқеаларига сингиб кетардик.

Умри нашриётда ўтган дадам ҳар бир чоп этилган китобдан, албатта, уйга олиб келарди. Эндигина босмахонадан чиққан китобнинг саҳифалари ҳароратли бўларди...

Истиқлолни интизорлик билан кутган отам укам иккимизга шеър ёдлатар экан, ундаги Ленин бобом деган ёзувларни бирма-бир ўчириб, Темур бобом, Навоий бобом деб ўзгартириб, ёзиб бергани ҳам эсимда.

Бир куни ҳаво совуқ бўлишига қарамасдан, дадам мени кўтариб олиб Мустақиллик майдонига олиб борди. Афсуски, юртимизнинг марказий майдони бошқача ном билан аталарди. Лениннинг ҳайкалини бир гуруҳ ишчилар жойидан қўзғатаётганига гувоҳ бўлиб, воқеани узоқ кузатдик. Иш тугагач, уйга қайтар эканмиз: "Энди биз ҳам мустақилмиз, бобокалонларимиз ҳаётини, илмий меросини бемалол ўрганамиз. Асосийси, улар билан фахрланишимизни бaралла айта оламиз", — деган эди қувониб.

*Ва буткул саводсиз эмасдик ҳечам,*

*Бунга ишонмайман, бу гап кўп оғир:*

*Ҳатто уй шифтининг вассалари ҳам*

*Китоблар шаклида қурилган ахир.*

Ҳа, бу сатрлар бежиз битилмаганди. Бу падарим қалбида ётган дард, исён эди. Ўша дамда унинг қувончини бола қалбим билан англамадим. Аммо вақт ўтиб ҳамма нарса ўзингники бўлишию, аждодларинг билан ғурурланиш нақадар бахт эканини тушуниб етдим.

2017 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёш китобхон" танловини эълон қилган эди. Туман ва вилоят босқичлари самарали ташкил этилиб, энг муносиблар республика босқичида тўрт шарт бўйича беллашди. Ғолибларга Президент совғаси — "Spark" автомобили, компьютер жамланмаси ва 200 номдаги китобдан иборат мўъжаз кутубхона совға қилинди.

Шу дамда уларга ҳавасим келди. Ҳар бирининг ўрнида бўлгим, менда ҳам китобга меҳр уйғотган, тарихни танитган дадам билан ютуғимни бўлишмоқни истадим. Қалбим ўртанди. Айниқса, ғолиб қиз Моҳинисо Шомуродованинг отаси қишлоқ бўйлаб велосипедда келаётган оддий, содда ўқитувчи Шокир Дўлановнинг юзида балқиб турган фахру ифтихор телевизор орқали намойиш этилганида, рости, йиғлагим келди. Ахир, фарзанди ортидан шон-шуҳратга эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди-да. Бугун барча ота-оналар шу оилага ҳавас қилаётгани аниқ.

Жорий йилнинг 12 май куни Президентимиз имзолаган "Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини ўқиб, ҳар бир ёшнинг бобокалонларимиз ҳаётини чуқур ўрганиб, улар билан фахрланишини, муносиб издош бўлишини чин дилдан истаган дадамнинг орзулари ушалаётганидан қувондим.

Ҳужжатда таъкидланганидек, буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг меросини чуқур ўрганиш мақсадида алоҳида номинациялар бўйича танловлар ташкил этилади. Ишончим комилки, бу мамлакатимизда китобхонлар сонининг кўпайишига олиб келади. Президент совғаси — енгил автомобиллар эса, олис-олис туману шаҳарлар бўйлаб кезишини тасаввур қилиб, дилим яйрайди.

Қарорнинг ҳар бир банди билан танишар эканман, яна болалик хотираларимни ёдга олдим. Ёш болани кўрган борки, дадангни кўпроқ яхши кўрасанми ёки ойингни, деб саволга тутади. Онгимизга Абдулла Қодирий барча ўзбекнинг бобоси, деб ўргатган дадам туфайли биз Қодирий бобомни, деб жавоб қилишга одатланган эканмиз.

Шу сўзларни ёзар эканман падаримнинг яна бир шеъри тилимга кўчди:

***Сал-пал унутганингда ўйинлар, эрмакларни,***

***Ўғлим, айтиб бераман ажойиб эртакларни.***

***Кимдир, тинглаб биларсан — Темур, Навоий, Бобур, Жалолиддин, Муқанна, Қодирий, Усмон Носир.***

***Боламмассан мудрасанг, бу жуда узун эртак.***

***Тингла, агар бўлайин десанг ҳақиқий эркак.***

***Боқ халқинг ўтмишига эртангни ўйлаган пайт.***

***Эртак айтсанг ўғлингга ухлатмаслик учун айт.***

**Тўмарис АЪЗАМ**

## Тошкент шаҳридаги Инха университетида ШАХМАТ ФАКУЛЬТЕТИ ОЧИЛАДИ



ФИДЕ президенти мазкур режа амалга ошса, федерация янги факультетни ўқув адабиётлари тайёрлаш ва маҳорат дарсларини ташкил этишда кўмак беришга тайёр эканини айтди.

3-саҳифага қаранг

DOLZARB MAVZU

## ШАРЪИЙ НИКОҲ МАХСУС РУХСАТНОМАГА ЭГА ИМОМ ТОМОНИДАН ЎҚИЛАДИ

Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги ҳамда шаръий никоҳларни тартибга солиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Андижон вилоятида ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар ижобий самаралар бераётир.

– Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида никоҳ ёши қатъий белгиланган бўлса-да, қизини эрта турмушга бериш, ўғлини уйлантириш, яқин қариндошларнинг қуда-анда бўлиши каби салбий ҳолатлар, афсуски, кузатилмоқда, – дейди Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Андижон вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби Нуриддин Холиқназаров. – Йигит-қиз ўртасида никоҳ риштасини боғлашдан аввал уларнинг балоғат ва камолотга етганига эътибор қаратиш лозим. Никоҳга киришдан олдин ёшлар ҳар жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёр, зарур билим ва тушунчага эга бўлиши керак. Шундагина барпо бўлаётган янги оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлади ва ҳаётнинг турли синовларига дош бера олади.

Никоҳга кирувчилар муайян билим ва тажрибага эга бўлиши, ҳам жисмонан, ҳам маънан оила қуришга тайёр бўлиши шарт. Лекин айрим ота-оналар томонидан ана шу жиҳатларга етарлича эътибор қаратилмаётгани туфайли қизларни эрта турмушга бериш ҳолатлари кузатилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЖАМОАТЧИЛИКНИ ТАШВИШЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛА ЮЗАСИДАН ПРЕЗИДЕНТГА ТАКЛИФ КИРИТИШ АМАЛИЁТИ ЯРАТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди.

Ушбу кенгашга фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиш ва Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қулай шароитлар яратиш юзасидан Президентга таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Фармон билан ННТ фаолиятига доир камчилик ва тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб янгича тартиб ўрнатилади. Хусусан, ННТларга маълум даражада қийинчиликлар келтириб чиқаришга сабаб бўлиб келаётган тадбирларни келишиш тартиби бу ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилди.

Соҳадаги ортиқча қоғозбозликка барҳам бериш мақсадида 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ННТлар ва уларнинг рамзлари давлат рўйхатидан ўтказилади.

(Давоми 2-саҳифада)

www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

YOSHLAR OVOZI

# ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ЯНГИ УФҚ ВА МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, шунингдек, Марказий Осиёни янада тараққий эттириш ва минтақада ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, деди Дональд Трамп.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром ва меҳмоннавозлик учун АҚШ Президентига миннатдорлик билдирди.

2017 йилда бўлган учрашув ва телефон мулоқотлари чоғида муҳокама этилган масалаларни бугун маромига етказиш кўп қиррали ҳамкорлигимизни жадал ривожлантиришда янги қадам бўлади, деб ўйлайман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ўзбекистон ва АҚШдаги Президент сайловларидан кейин мамлакатларимиз муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Бугун қабул қилинадиган «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» номли Қўшма баёнот ўз номи ва моҳияти билан кўп нарсани англатади. Томонларнинг узоқ келажакка мўлжалланган интилишларидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал асослари ўзгармасдан қолишини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни янада кенгайтириш, ҳар томонлама ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиши Америка бизнесининг юртимизда узоқ муддатли фаолиятни йўлга қўйиши ҳамда АҚШнинг етакчи корпорация ва компаниялари билан инвестициявий-технологик ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш каби масалаларга устувор аҳамият қаратилган.

Президентимизнинг ташаббуси ва сиёсий иродаси туфайли минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Давлат чегаралари, сувдан фойдаланиш муаммолари, транспорт йўлаклари, савдо алоқалари, ҳудудлар ҳамкорлиги каби кўплаб масалалар бўйича ўзаро манфаатли келишувларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратишини яна бир бор таъкидлади. "Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз", деди давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи давомида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Минтақамиздаги ижобий ўзгаришларни Президент Дональд Трамп алоҳида эътироф этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Дональд Трамп музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилди. Вазирлик ва компаниялар, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, юқори технологиялар, савдо-саноат, ёқилғи-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1998 йилдан буён энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзбекистонда америкалик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 181 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 46 таси тўлалигича ушбу мамлакат капитали асосида тузилган.

Ўзаро савдо транспорт ва транспорт коммуникациялари, фармацевтика, автомобилсозлик, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, электротехника каби кўплаб соҳаларни қамраб олган.

Ташкил этилганига йигирма йилдан ошган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси бугун иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига айланди. Айни пайтда АҚШнинг "Boeing", "General Motors", "General Electric", "CNH Industrial", "Hayatt", "Hilton" ва бошқа кўплаб йирик компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Музокарада томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттириш, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳаларида янада яқин ҳамкорлик қилиш бўйича мавжуд имкониятларни ўрганишга келишиб олдилар.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзолангани ва уларнинг умумий қиймати 4,8 миллиард долларни ташкил этиши қайд этилди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшадиган Халқаро таълим бўйича Америка кенгашларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини мамнуният билан қайд этдилар. Дональд Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак беришга тайёр эканини билдирди.

Давлат раҳбарларининг «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, икки давлатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасида савдо-иқтисодий, электротехника, фармацевтика, инвестиция, технология, инновация ва таълим соҳаларида узоқ муддатли ҳамда кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро муносабатларда янги уфқ ва марралар сари дадил қадам экани алоҳида таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари Артур Саклер галереясига ташриф буюрди. Галерея коллекцияси Осиё халқлари санъати асарларидан иборат 10 мингга яқин экспонатни ўз ичига олган.

Президентимиз галереяда сақланаётган ўзбек тўқимачилик буюмлари намуналарини кўздан кечирди. Марказий Осиё бўлимидаги миниатюра ва қўлёзмалар билан танишди.

Вашингтонда АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Президент Ш.Мирзиёев Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга ҳисса қўшаётган Шимолий таъминот тармоғини қўллаб-қувватлашда давом этишини тасдиқлади. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистон билан чегаралар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласининг олдини олишда яқиндан ҳамкорлик қилишлари эътироф этилди.

Иккала давлат раҳбарлари экстремизм ва халқаро терроризмни қораладилар ҳамда умумий таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларини қайд этдилар. Улар, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган келишувларни амалга оширишга содиқ эканликларини билдирдилар ҳамда беш йилга мўлжалланган илк ҳарбий ҳамкорлик Режасини амалга татбиқ қилиш орқали мудофаа соҳасидаги алоқаларни мустаҳкаш муҳимлигини таъкидладилар.

### Ислоҳотлар ва халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш

Президент Д.Трамп "виждон маҳбуслари"нинг озод қилингани, болалар меҳнатидан мунтазам фойдаланишнинг тугатилгани ва мажбурий меҳнат кўламини қисқартиришда эришилган сезиларли ютуқларни қайд этган ҳолда, Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолатни яхшилашга қаратилган кенг ислоҳотлар дастурини мамнуният билан қарши олди. Ушбу ютуқлар иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиши таъкидланди. Президент Д.Трамп давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва ички барқарорликни таъминлашнинг асосий омили сифатида давлатнинг халқ олдидаги ошкоралиги ва ҳисобдорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Президентининг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбарлари асосий инсон эркинликларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, диний эркинликни илгари суриш бўйича конструктив ҳамкорликни фаоллаштириш тарафдоридирлар. Президент Ш.Мирзиёев диний эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли "йўл харитаси"ни ҳаётга татбиқ қилишга қатъий тайёр эканлигини эътироф этди.

Президентлар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшадиган Халқаро таълим бўйича Америка кенгашларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини олқишладилар. Президент Д.Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини эътироф этди ҳамда "Америка овози"нинг Ўзбекистонда аккредитация қилинганлиги ва унинг Америка оммавий ахборот воситалари учун ушбу мамлакатда кенг имкониятлар яратишини юқори баҳолади.

### Иқтисодий ҳамкорлик

Президент Ш.Мирзиёев ва Президент Д.Трамп ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва иккала мамлакатда иш ўринларини яратишга кўмаклашадиган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятларини ўрганишга қатъий тайёр эканликларини таъкидладилар. Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистонда ошкоралик ва ҳисобдорлик халқаро стандартларини жорий қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш ҳамда АҚШ компаниялари ва инвесторларига мамлакат бозорига кириш имкониятини тақдим қилишга тайёр эканлигини билдирди. Давлат раҳбарлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳаларида янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш учун мавжуд имкониятларни ўрганишга келишиб олдилар. Ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида 20 дан ортиқ йирик шартномалар имзолангани ва улар ҳаётга тўлақонли татбиқ қилинган тақдирда, 4,8 миллиард доллар миқдорида баҳоланиши ва АҚШда 10 минг иш ўрнини сақлаб қолиши ҳамда келгусида бир неча миллиард доллар миқдоридаги шартномалар учун имкониятлар яратиши мумкинлиги эътироф этилди.

Д.Трамп Президент Ш.Мирзиёевнинг ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлади ва Ўзбекистоннинг иқтисодий лидер сифатида ўсиб бораётган ролини эътироф этди ҳамда жорий йилда мамлакатда Марказий Осиё савдо форумини ва Марказий Осиё давлатлари билан АҚШ ўртасида савдо ва инвестицияларга оид ҳадли битим бўйича Кенгаш йиғилишини ўтказиш юзасидан Ўзбекистоннинг таклифи бундан далолат беришини таъкидлади. Президент Ш.Мирзиёев Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилаётганини эътироф этди, Президент Д.Трамп Ўзбекистон ўз савдо режимини ташкилот нормаларига мувофиқ либераллаштириш бўйича кун тартибидаги ислоҳотларни амалга оширгани сайин АҚШ унга техник кўмак кўрсатишини таъкидлади. Ўзбекистон Фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини уларнинг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришдан ҳимоя қилиш тўғрисида Женева конвенцияси ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг интернет бўйича шартномаларига қўшилиш орқали интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга содиқ эканлигини билдирди. Ушбу ташаббусларни амалга ошириш икки томонлама савдо, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги имкониятларни очиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

# ЖАМОАТЧИЛИКНИ ТАШВИШЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛА ЮЗАСИДАН ПРЕЗИДЕНТГА ТАКЛИФ КИРИТИШ АМАЛИЁТИ ЯРАТИЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Қайта рўйхатдан ўтказиш, ННТларнинг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш, ННТларининг ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботлари, ННТлар томонидан чет давлатлардан, халқаро ва хорижий ташкилотлардан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни келишиш электрон тарзда амалга оширилади.

ННТ томонидан пул маблағлари ва ўз мол-мулкидан эркин фойдаланишини таъминлаш мақсадида ННТларга хорижий субъектлардан келиб тушган пул маблағлари ва мол-мулкдан фойдаланиш бўйича (рўйхатдан ўтказувчи орган билан белгиланган тартибда келишилгандан сўнг) барча тўсиқлар олиб ташланади.

Шунингдек, ННТлар эндиликда ўзларига маъқул ва қулай бўлган банк хизматидан фойдаланиши мумкин. Чунки ННТларга ажратилган хорижий грант маблағлари мазкур ташкилотларнинг исталган банк муассасасида очилган махсус ҳисобварақларига келиб тушишига рухсат берилди.

ННТлар томонидан ишчи-ходимларга ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдорида қўлланилиши ННТларга ҳомийлик ва аъзолик бадалларидан келиб тушадиган пул маблағларини манзилли етказилишида узилишларга сабаб бўлаётган эди. Шунга кўра, фармон тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган маблағлар учун ННТ ягона ижтимоий тўлов ставкасини 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди.

Амалдаги "Жамоат фондлари тўғрисида"ги қонун талабларига кўра, жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим эди. Бу эса, фонд томонидан ўз ходимларини фонд уставида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишдаги меҳнатларини рағбатлантиришда маълум қийинчиликлар келтириб чиқарар эди.

Шу муносабат билан фармонда жамоат фонди маъмурий харажатларининг, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули тўловларининг ва улар ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ харажатлар компенсациясининг йиллик умумий суммаси фонднинг барча харажатлари суммасининг 20 фоизидан 30 фоизига ошириладиган бўлди.

ННТ пенсионер ходимларига пенсия уларнинг мазкур ташкилотлардаги фаолияти ягона иш жойи бўлган тақдирда, тўлиқ тўланиши каби имкониятлар амалиётга жорий қилинмоқда.

Фармон билан ННТларнинг энг асосий муаммоларидан бири бўлган бино масаласи "Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари"ни ташкил этиш орқали янгича усул билан ҳал қилинади. Мазкур уйлардаги хоналар ННТларга ижара тўловининг "ноль" ставкасини қўллаган ҳолда берилади.

Фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан олиб борилаётган ўзига хос меҳнатни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишони таъсис этилди.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган фармон ННТларнинг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса уларнинг янада самарали фаолият олиб боришига замин яратади.

**Жаҳонгир УЗОҚОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими.**
**ЎзА**

# ШАРЪИЙ НИКОҲ МАХСУС РУХСАТНОМАГА ЭГА ИМОМ ТОМОНИДАН ЎҚИЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Эрта никоҳ ҳолатлари таҳлил қилинганда, аксарият оилаларда маънавий муҳит барқарор эмаслиги, фарзанд тарбиясига эътиборсизлик билан қаралгани аниқланган. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Андижон вилоятидаги вакиллиги томонидан вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ёшлар иттифоқи фаоллари ва бошқа масъул ташкилотлар ҳамкорлигида маҳаллаларда ота-оналар, таълим муассасалари ўқувчилари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар салбий оқибатларининг олдини олиш бўйича кенг кўламли тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилаётир.

– Қонуний никоҳдан, тиббий кўрикдан ўтмасдан оила қурилишига, айниқса, эрта никоҳга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, – дейди Андижон шаҳридаги "Абу Ҳурайра" жомеъ масжиди имом-хатиби Ш.Мусабоев. – Турли тадбир ва маросимларда аҳолига ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик борасида тушунтиришлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, эрта никоҳнинг олдини олиш мақсадида шаръий никоҳлар фақат махсус рухсатномага эга имомлар томонидан қонуний никоҳдан ўтилгандан сўнггина ўқилиши қатъий белгилаб қўйилди.

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

FESTIVAL

# ИСТЕЪДОДЛАР ПАРВОЗИ

**Оҳангарон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида республикамиз бўйлаб "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида ўтказилаётган "Ёшлар фестивали" доирасидаги танловларнинг Тошкент вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**





Даставвал Ёшлар иттифоқи томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Таъкидланганидек, фестиваллар иқтидор соҳибларини кашф қилишга кўмак бермоқда.

Тадбир том маънода дўстлик учрашувига айланиб кетди. Боиси унга Татаристон Республикаси спорт ва ёшлар вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Галифулин бошчилигидаги делегация ҳам ташриф буюрди. Иттифоқнинг Тошкент вилояти кенгаши раиси Дониёр Каримов икки давлат ёшлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласида меҳмонлар билан фикр алмашди.

Якунда фестиваль ғолиблари иштирокида концерт ташкил этилиб, унда татаристонликлар ҳам ўз бадиий чиқишларини намойиш этди. Шўх қўшиқ ва рақслар барчага хуш кайфият улашди

***

Фестивалнинг Қашқадарё вилояти босқичи ҳам унутилмас таассуротларга бой бўлди. Танловларда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 205 нафар ўғил-қиз истеъдодини намойиш этди. Уларнинг баҳсларини соҳа мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Якунда барча йўналишларда ғолиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

***

"Ёшлар фестивали"нинг Фарғона вилояти босқичида 36 жамоа ва 42 нафар яккахон иштирокчи маҳоратини синовдан ўтказди.

Фарғона санъат коллежида бўлиб ўтган беллашувда ёшлар чолғу ансамбллари ва оркестрлари йўналиши бўйича қатнашаётган барча ансамбль, оркестр жамоалари ўзбек миллий, дамли, торли, эстрада ва симфоник чолғу асбобларида ўз дастурларини маромига етказиб ижро этди.

Танловда "Ёш қўшиқ ижрочилари", "Академик вокал (опера хонандалиги)", "Анъанавий мумтоз қўшиқчилик", "Ёшлар чолғу ансамбллари ва оркестри (дамли ва зарбли чолғулар)", "Ўзбек миллий халқ чолғу ансамбли ва оркестри" каби йўналишларда ғолиблар аниқланди. Энди улар фестивалнинг финал босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

**Мухбирларимиз.**

TA`LIM TARAQQIYOTI

# ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР КИРИТИЛДИ

**Нозима МИЯССАРОВА**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги журналистларни сув ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш тизимидаги янгиликлардан хабардор этди.**

Матбуот анжуманида вазир Иномжон Мажидов, Тошкент давлат аграр университети ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ректор ва проректорлари қатнашди. Таъкидланганидек, Президентимизнинг жорий йил 8 майдаги туркум қарорларига мувофиқ, иккала таълим муассасасида эҳтиёжга қараб қўшимча мутахассисликлар жорий қилинган.

Масалан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ҳужжат топшираётган ёшлар эндиликда сув, шунингдек, қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар, ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари, сув тежамкор суғориш технологиялари, сув хўжалигида интеллектуал ўлчаш тизимлари ва асбоблари каби таълим йўналишларидан бирини танлаши мумкин. Қолаверса, олийгоҳ Нидерландиянинг Вагенинген университети билан ҳамкорликда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида икки томонлама диплом (double degree) бериш амалиётини йўлга қўйган. Шу кунгача мазкур имкониятдан 44 нафар талаба фойдаланди.

Айтиш керак, Тошкент давлат аграр университети ўқув жараёнида ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари карантини, иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, агрологистика, балиқчилик, полизчилик, картошкачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш, агробиотехнология, қишлоқ хўжалигида экологик хавфсизлик, агробизнес ва инвестицион фаолият каби янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш бошланган. Бунинг натижаси ўлароқ, 32 та таълим йўналиши 27 тага қисқартиртирилди. Магистратурада эса, аксинча, бештага кўпайган. Амалиёт дарслари ҳам узайтирилгани алоҳида эътиборга молик жиҳатдир.

Яна бир муҳим гап: келаси ўқув йилидан бошлаб иккала таълим даргоҳининг магистратура босқичида ўқиш республика фуқаролари учун тўлиқ давлат гранти асосида олиб борилади.

ISLOHOT ODIMLARI

# ҚИШЛОҚЛАРГА ЯНГИ НАФАС КИРЯПТИ

Сардор БЕКЖОНОВ

**Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган “Обод қишлоқ” дастурига жорий йилда Хоразм вилоятидаги 11 қишлоқ ва 22 та маҳалла фуқаролар йиғини киритилди. Уларда жами 97 минг 600 нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилмоқда.**





Ҳар қайси ҳудудда маҳалла гузари, мактабгача таълим муассасалари, кам таъминланган оилалар учун уй-жойлар, мини маркет, болалар майдончаси, почта бўлинмаси, ёшларни касбга тайёрлаш маркази, маданият саройи, минерал ўғит сотиш шохобчалари, ветеринария пункти ва аптекаси, ижтимоий дорихона, умумий овқатланиш объектларини қуриш белгиланган. Ҳозирда бунёдкорлик ишлари баравж олиб борилмоқда.

Масалан, яқинда Қўшкўпир туманидаги Оқдарбанд ҳамда Янгиариқ туманидаги Гулобод қишлоқларида замонавий болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Қолаверса, ишчи гуруҳи саъй-ҳаракати билан оқдарбандликлар учун йўл инфратузилмаси яхшиланиб, абгор аҳволга келган мингдан ортиқ уй ва яна саккизта хонадоннинг том қисми ҳомийлик маблағлари ҳисобидан таъмирланди.

— Ёғингарчилик пайтида томдан шаррос сув қуйиларди. Эшик-ромлар ҳам анча эскириб кетганди. “Обод қишлоқ” дастурининг ижроси бошлангач, уйимизга файз кирди. Ҳаммаёқ таъмирдан чиқарилди. Оилам билан беҳад хурсандмиз! — дейди Қўш ҳовли кўчаси 46-хонадонда яшовчи Райҳон Жуманиёзова.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида Ўртаёп қишлоғидан Оқдарбанд қишлоғигача оптик толали кабель ҳам тортилди. Мана энди 235 та абонент телефон алоқа ва интернет хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Шу билан бирга, банк кредитлари эвазига аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, бандлигига кўмаклашиш, иссиқхоналар ташкил этиш, томорқа ерлари учун оқава сувлар етказиб бериш, электр энергияси таъминоти, қишлоқларни газлаштириш каби ҳаётий муҳим масалалар юзасидан амалий ишлар узлуксиз давом этмоқда.

**Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси Фарҳод Эрмонов Гурлан туманида “Обод қишлоқ” дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишар экан, Гулистон қишлоғидаги ҳолатни қониқарсиз деб топди.**

# БАҲОНА ҚИДИРМАЙ, ИШЛАШ КЕРАК!



Давлатназар РЎЗМЕТОВ



Ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилмагани, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди.

— Ушбу дастур авваламбор аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринларини яратишга хизмат қилиши лозим, — таъкидлади Ф.Эрмонов. — Шундай экан, ишни ҳам сифатли бажарайлик-да. Баҳона қидирмай, ҳамжиҳатлик билан ишлаш, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш шарт ва зарурдир.

Ўрганиш жараёнида ҳоким мутасаддиларга қаровсиз ётган маданият саройи биносини таъмирлаш, мактабгача таълим муассасаларига эътиборни кучайтириш, янги маиший хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш бўйича муҳим топшириқ ва кўрсатмалар берди.



FOTOFAKT

# ВЕЛОСИПЕД МИНГАН АЁЛЛАР

Равшана ҚУРЯЗОВА

**Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Урганч шаҳрида аёллар веломарафонини ташкил этди. “Оила мустаҳкам бўлса, фарзанд бахтли бўлади” шиори остида ўтказилган мусобақада минг нафардан зиёд хотин-қиз қатнашди.**



— Спортга қанчалик кўп аёлни жалб этолсак, уларнинг соғлигини шу қадар мустаҳкамлаган, руҳини кўтарган бўламиз, — қайд этди вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулсара Қурбонбоева. — Бу борада ёшлар ташкилоти яхши ташаббусларни илгари сурмоқда. Бугунги веломарафон самарали ҳамкорлигимиз маҳсули саналади. Ўйлайманки, у иштирокчи опа-сингилларимизга чексиз завқ улашди.

Финиш чизиғига биринчилардан бўлиб етиб келган велоспортчиларга Ёшлар иттифоқининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Ёшлар иттифоқининг Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ҳамда бир қатор ҳарбий қисмларда “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида китоб ярмаркалари ташкил этилди.**



# 800 ДАН ЗИЁД КИТОБ СОТИЛДИ

Элдор НАВРЎЗОВ

Бундай хайрли тадбирларда китоб савдоси билан шуғулланувчи маҳаллий тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Аскарлар юртимиз нашриётларида чоп этилган ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти намуналари, замондош ижодкорларнинг асарлари, илмий-оммабоп ва болаларга бағишланган адабиётларни харид қилиш имконига эга бўлди. Ҳаммаси бўлиб 800 дан зиёд китоб сотилди.

ESHITDINGIZMI?

Роҳатой ҚОДИРОВА

# Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида ШАХМАТ ФАКУЛЬТЕТИ ОЧИЛАДИ

**Бу ҳақда Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжинов Ўзбекистон ёшлари билан учрашуви чоғида маълум қилди.**





Тадбир Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташаббусига кўра ташкил қилинди. Унда вазир Азим Аҳмадхўжаев иштирок этди.

Шахмат ўйнайдиган болалар фанларни ўртача 40 фоизгача яхшироқ ўзлаштириши аниқланган. Шу ҳақда гапирар экан, Кирсан Илюмжинов қандай қилиб бу ажойиб спорт турига кириб келгани, она юрти — Калмиқ Республикаси ёшлари шахмат билан шуғуллана бошлагач, математика, физика ва биология фанларидан узлуксиз равишда совринли ўринларни эгаллаб келгани тўғрисида сўзлаб берди. ФИДЕ раҳбари яширмади — унинг асосий мақсади дунё аҳолисининг 1 миллиардини шахматга қизиқтиришдан иборат. К.Илюмжинов шу орқали кўпгина низоларни бартараф этиш мумкинлигини қайд этди. “ Зотан, инсон худди шахмат ўйинидагидек ўйлаб юриш қилса, яъни қадам босса, ножўя ҳаракатлардан ўз-ўзидан тийилади”, — таъкидлади мартабали меҳмон.

Ўзбекистонда шахмат факультетини очиш масаласига тўхталар экан, ФИДЕ президенти мазкур режа амалга ошса, федерация уни ўқув адабиётлари тайёрлаш ва маҳорат дарсларини ташкил этишда кўмак беришга тайёр эканини айтди. Ўз навбатида, Кирсан Илюмжинов юртимиз ҳукуматига умумтаълим мактаблари дастурига шахматни киритиш тўғрисидаги қарори учун миннатдорлик билдирди.

Учрашув якунида талабалар меҳмонга савол ва таклифлари билан юзланди.





TASHABBUS

# БУНАҚАСИ ЭНДИ КЎП БЎЛАДИ

Шодлик ҒАЙБУЛЛАЕВ










Ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши томонидан илк маротаба “Иттифоқ шоу” лойиҳаси амалга оширилди. Унинг доирасида ижодий иқтидор соҳиблари ўз имкониятини намоён этиш, ёш оилалар эса, омадини синаб кўриш имконига эга бўлди. Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш ҳамда ишга жойлашиш истагидаги ёшлар учун ҳам бир қанча қизиқарли дастурлар ҳозирланди.

Омадли иштирокчилар турли қимматбаҳо совғалар, китоб жамланмалари, шунингдек, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига бепул саёҳат қилиш учун йўлланмаларни ютиб олди.

Энди “Иттифоқ шоу” ҳафтанинг ҳар шанба куни Ёшлар марказида ўтказилади.

BOQIY QADRIYATLAR

# Нақшларга битилган ҳикмат



Болтабой БЕКМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

**Юртимизга жаҳоннинг турли мамлакатларидан кўплаб сайёҳлар ташриф буюради. Улар Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби кўҳна шаҳарларимиз салобатию бетакрор ёдгорликларини томоша қилиб, завқ туяди. Айниқса, тарихий обидаларимиздаги нақшлар ҳайратга солиши табиий.**



Афсуски, шундай бебаҳо меросга эга бўла туриб, наққошлик ва хаттотлик санъати ҳақидаги билимларимиз анча саёз. Тарихдан маълумки, наққош ва хаттотлар подшоҳ саройлари, шунингдек, айрим амалдорлар ҳузурида фаолият юритган. Ушбу санъат турлари Марказий Осиёда темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар ҳукмронлиги даврида юксак даражада тараққий этди. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида хизмат кўрсатган Мавлоно Шамсуддин Мунший, сангтарош ва хаттот Олтун жуда машҳур зотлар эди. Эътиборлиси, темурий шаҳзодалар Иброҳим бин Шоҳрух, Бойсунқур Мирзо, Бадиуззамон Мирзо ва бошқалар наққошу хаттотларга ҳомийлик қилиш билан бирга ўзлари ҳам санъат асарлари яратган.

Мустақиллик йилларида наққошлик ва хаттотликнинг Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Хива, Шаҳрисабз, Андижон мактаблари ҳамда шу йўналишдаги "Устоз-шогирд" аньанаси қайта тикланди. Ёш авлод вакилларидан етишиб чиққан кўплаб моҳир усталар ҳозирда республикамизнинг турли минтақаларида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Маҳоратли наққош ва хаттот, Хоразм Маъмун академияси илмий ходими Муҳиддин Жалоловнинг номи санъат аҳлига яхши таниш. У ўз фаолиятини "Усто" республика халқ амалий санъати усталари бирлашмасининг Хоразм бўлимида наққошлик вазифасидан бошлаган. Кўҳна Урганч меъморчилигининг наққошлик санъатини ўрганиш мақсадида таниқли кулол Эшмурод Сафоев билан танишиб, ундан касб сирларини ўрганди. Пухта эгалланган билим ва тажриба Муҳиддин Жалолов яратган бадиий асарларда, қиркдан зиёд маданий-маъмурий бинолар, саройлар, масжид ва зиёратгоҳларда бажарилган наққошлик, кошинкорлик, ганч ўймакорлиги ва хаттотликка оид безаш ишларида ўз ифодасини топди. Айниқса, Москва шаҳридаги "Ўзбекистон" ресторани, Урганч шаҳридаги "Интурист" меҳмонхонасининг фойе ва вестибюли деворларига ишланган нақшлари, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги Султон Увайс зиёратгоҳидаги масжид, меҳмонхона, айвонлардаги ганчкорлик, наққошлик, кошинкорлик, бадиий безаклар эскизлари ҳайратланарли даражада маҳорат билан яратилганини қайд этиш жоиз.

Яна бир аҳамиятли қайд: Муҳиддин Жалолов Хоразм наққошлик санъатини қайтадан тиклаган. Шу туфайли унинг тажрибаси қадимий Хива шаҳридаги бир қанча тарихий обидаларни таъмирлаш ишларида муҳим аҳамият касб этибгина қолмай, бугунги кунда вилоятда, хусусан, Урганч шаҳрида бунёд этилаётган бино ва иншоотларни, масжиду зиёратгоҳларни безаш ва таъмирлашда ҳам асқатмоқда.

— Ўтмишдан қолган осори атиқаларда, — дейди уста, — бирорта ҳам тасодифий нақшни учратмайсиз. Ҳар бирининг ўз маъноси бор. Ота-боболаримиз нақш ёзувларни мақбара ва масжидларга, ҳатто лаган, кўза, хум, чойнак-пиёла, косаларга битган, шунингдек, кашта, сўзана, белбоғларга тикиб қолдирган. Маърифат даргоҳларида эса, илм олмоққа чорловчи ҳикматлар нақшинкор безакларда ўз ифодасини топган. Гилам, дўппи, рўмол, сўзаналардаги кашталарда ҳам миллий менталитетимизга хос панду насиҳатларни учратиш мумкин.

Муҳиддин Жалоловнинг ишларини кузатар эканмиз, асрий қадриятларимиз завол топмаслигига, халқимизнинг боқий мероси эъзозга лойиқ эканига яна бир карра амин бўламиз. Зеро, истиқлол йилларидагиислоҳотлар, Юртбошимизнинг мазкур соҳа ривожига қаратаётган эътибори бунинг мустаҳкам кафолатидир.

# ЁЛҒИЗЛИК (ҳикоя)



Маҳфуза ИБРОҲИМОВА,
Янгибозор қишоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиси

**Тонг. Узоқ-яқиндан эшитилган хўроз қичқириғидан сўнг Каромат ая эринибгина ўрнидан турди. Оқ, гулдор рўмолини бошига танғиб боғлади. Уйқусизликдан киртайган кўзларини бир нуқтага тикканича ўйга толди. Ташқарига чиқиш учун эшикка қараб юрди. Оёқлари увишгани камлик қилганидек, вужуди ҳам тош босгандек оғир эди.**

— Эй Худойим, шу ёшимда ёлғиз қолиш тақдиримда бор экан, ундан кўра жонимни олиб қўяқолсанг бўлмасмиди?! — дея нолиди у. Сўнг яна: "Ношукур бўлма, кампир!" — деб қўйди ўзига-ўзи.

Каромат момо аста юриб, ўчоқ бошига борди. Ўт ёқишга ўтин тополмади ва ариқ томонга ўтиб, таҳорат қилди. Бомдод намозини ўқиш учун уйга қайтиб кирди. Кун ёйилиб, бузоқ арқонни узиб, сакраб югурганича овозини чўзиб маъради. Кампир ташқарига чиқди-да оғилхона тарафга ўтиб, ола сигир олдига қуриган хашак ташлади. Жонивор юзини бурди. Каромат ая noилож бир пақир ем узатди. Сигирни соғиб олгач, кўча эшиги яқинидаги устунга челакни осиб қўйди. Шу пайт кўчадан сут йиғувчи боланинг овози эшитилди:

— Ассалому алайкум, момо. Эрталабдан кайфиятингиз йўқ, тани жонингиз соғми?

— Ваалайкум ассалом. Худога шукр, ўғлим. Насибам бор экан, бу дунёда юрибман-да.

Кампир сут пақирни узатди. Бола чўнтагидан пул олиб, санаб берди.

— Ма, болам, музқаймоқ олиб ейсан, — деди кампир самимий оҳангда.

— Йўғ-е, мени хижолат қилманг. Сиздан пул ололмайман...

— Олсанг-чи, менинг ҳам сендек неварам бор, дийдорига тўёлмай дунёдан ўтаман чоғи, —деб кампир кўзларига ёш олди.

— Йиғламанг, моможон, майли, оламан.

Бола йўлида давом этди. Ҳовли яна ҳувиллаб қолди. Каромат момо сигирини подага қўшди. Товуқларига дон берди ва қари тол тагидаги супага келиб ўтирди. Атрофга боқди, уйи файзсиз кўринди. Каромат момо ўзини жуда ёлғиз ҳис қилди. Сукунат уй билан бирга кампирни ҳам ўз домига тортаётгандек туюлди. У набирасини жуда соғинган. Лўппи юзларидан ўпгиси, бағрига босиб, эркалагиси келди. Шу пайт ёғи остига чўзилиб олган ити хаёлини бўлди.

— Сен ҳам қари, мен ҳам. Ўзи қариганда ҳеч кимга керак бўлмай қоларкансан, — деди момо хўрсиниб. Ҳаво иссиқ бўлгани учун кампир ўзини лоҳас сезди. Бундай пайтда у уйига кириб кетар, ён-атрофдаги қушлар эса, худди шуни кутиб тургандек жўхоризорга гала бўлиб учиб келарди. Каромат момо ошхонадаги газ плитаси ёнига бориб, овқат тайёрламоқчи бўлди, аммо плита бузилгани эсига тушиб, шаштидан қайтди. Ўчоқда пиширай деса, ўтин йўқ. Шу пайт ташқаридан қўшни аёл Зуҳра опанинг овози эшитилди:

YOSHLIK ILHOMI

— Каромат буви, бормисиз?

— Келинг, қизим, — деб севиниб кетди кампир.

— Сизга овқат олиб чиққандим. Иссиқлигида еб олинг. Узр, мен шошиб турибман. Далага боришим керак. Болалар кутиб қолди, хафа бўлмайсиз, кейинроқ чиқарман.

— Майли, нима ҳам дердим, келиб туринг, келин. Сизни кўрсам бироз енгил тортаман...

Каромат момо қўшнисини эшиккача кузатиб қўйди. Кейин супа устига дастурхон ёзди. Овқатнинг бир қисмини итялоққа солди, озгинасини ўзига қолдирди. Бир қошиқ егач, ўпкаси тўлиб, кўзлари намланди. Озғин қўллари билан юз-кўзларини артди. Юрагидан тошиб келаётган оғриқ фарёд бўлиб чиқди. У ёлғизликдан эзилиб йиғлади.

Ўзига келиб, бир ҳовуч конфет олди-да, кўчага чиқди. Копток ўйнаётган болаларни чақирди. Улар бир зумда кампирнинг атрофини ўраб олди. Бу ҳол аслида ҳар куни такрорланарди.

Вақт ўтди. Каромат момо хасталаниб қолди. Қўшни Зуҳра опа ҳар куни кампирнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турди. Кампирнинг аҳволи тобора оғирлашиб борар, ўғли ва набирасини қўмсарди. Ўғлини кўрмаганига икки йил бўлибди. Фақат телефонда гаплашади. Момо охирги марта бор кучини тўплаб, ўрнидан турди. Деворга суяниб, кўча эшигигача амаллаб юрди. Йўлга узоқ тикилди. Чўнтагидан бир сиқим конфет олиб, болаларни чақирмоқчи бўлди-ю, овози чиқмади. Конфетлар ерга сочилиб кетди. Яна йўлга термилди. "Ўғлим ва набирамни бир марта кўрсам эди", — деб пичирлади. Юрагини тимдалаган дард кўксидан тошиб чиқди ва томоғига тошдек тиқилди. Бу сўзларни ўзидан бўлак ҳеч ким эшитмади. Кампирнинг кўзёшлари юзини ювиб, кўз олди хиралашди ва эшикка суянганича ҳушидан кетди. Буни кўрган болалар Каромат момонинг ёнига югуриб келди.

Шафақнинг сўнгги нурлари замин юзини силаб ўтаётган дам подадан қайтган ола сигирни эшик олдида ҳеч ким кутиб олмади. Онасини соғинган бузоқ бугун арқонни узишига ҳожат қолмади. Қари ит бўм-бўш идишига қайрилиб қарамади. Жўхоризор ичра чуғурчиқлар саси тинди. Ҳовлига файзсиз сукунат чўкди...

DILDAGI GAPLAR

# МЕҲРСИЗ яшаб бўлмас!

Моҳира ИСКАНДАРОВА,
Урганч шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси

Боғимизда бир туп ўрик бор эди. Баҳор келиши билан қийғос гуллаб, ғуж-ғуж мева тугарди. Уни бобом эккан. Парваришига ҳам сира эринмасди — ҳар замонда дарахт тагини юмшатиб, суғорар, ҳатто боғ ичига кириб, узоқ суҳбатлашиб ўтиришини яхши эслайман. Ўшанда мен мактабда ўқирдим.

Икки йил олдин бобом оламдан ўтди. Шундан кейин ўригимиз ҳам қуриб, шохлари қақшай бошлади. Биз уни асраб қолишга ҳарчанд уринмайлик, барибир иложи бўлмади. Ўшанда англаб етдим: дарахт ҳам мисоли инсондек — меҳрга эҳтиёж сезади. Бобом диққат-эътибори, самимий муносабати ҳамда қайноқ тафти билан ўрикка шунчалик куч бағишлаб турган эканки, бу боққа ҳам ўзгача файз бағишлаган.

Ҳа, одамзод меҳр-муҳаббатсиз яшай олмайди. Йўқса, дарахт каби сўлиши, нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Ўйлашимча, ҳозир бобом ҳаёт бўлганида ўригимиз қуримас, аввалгидек чирой очиб турган бўларди. Ният қилдим, келаси йили мен ҳам ниҳол экаман. Токи, у гуллаб-яшнаб атрофдагиларга шодлик улашсин!

PSIXOLOG MASLAHATI

**— Ёшим 25 да. Одамлар билан тез тил топишиб кетолмайман. Давраларда ўз фикримни айтишдан уяламан. Шу боис жим ўтираверaман. Ўзимдаги ана шу нуқсонни қандай бартараф этсам бўлади?**

**Даврон МАВЛОНОВ**
Ангрен шаҳри



**Саволга амалиётчи психолог Луқмон КАЗАКОВ жавоб беради:**

— Бундай ҳолат кўпроқ меланхолик темпераментга эга инсонларда кузатилади. Одамовилик меланхоликлар табиатига хос хислат. Шунга қарамай, бу типдаги аксарият инсонлар жуда иқтидорли бўлади. Фақат ўша салоҳиятини намоён эта олмайди, холос. Уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаш, далда бериб, руҳлантириб туриш керак.

Иккинчи сабабни оиладан қидиришни тавсия қиламан. Агар ёлғиз фарзанд бўлсангиз, эҳтимол, болаликдан мулоқотга тўймай ўсгандирсиз. Ёлғиз фарзанд эмассиз ҳам дейлик. Аммо қачондир, қайсидир вазиятда ота-онангиз фикрингизни бўғиб, сўз айтишга изн бермай келгандир. Бу ҳам боланинг одамовилашишига олиб келади. Охир-оқибат, инсон бошқалар нима дейди, сўзларимни қандай қабул қилади, танқидга учраб қолмасмиканман, деган ўй-хаёл, ҳадик ва хавотир билан муайян давраларда фикр билдириш ҳамда нутқ сўзлашдан чўчийди ёки уялади.

Одамовилик психологик нуқсондир. У болалик, қўйингки, ҳеч бўлмаганда, ўсмирлик даврида аниқланса, инсон муайян тавсиялар асосида ўзини ўзи ўнглаши мумкин. Бироқ 25 ёшда буни амалга ошириш қийин. Албатта, психолог ҳузурига бориш керак. Акс ҳолда тушкунликка тушиб бораверасиз. Ишда, оилада муаммолар юзага кела бошлайди. Шу боис маслаҳатим, вақтни пайсалга солмай, дарҳол психолог ҳузурига боринг.


## «TRADE CONSULT SERVICE» МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! АУКЦИОН 2018 ЙИЛ 18 ИЮНЬ КУНИ СОАТ 15:00 ДА БЎЛИБ ЎТАДИ.

**Тошкент вилояти давлат санитария-эпидемиология назорат маркази балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:**
1997 йилда и/ч "ТИКО" русумли давлат рақами 10 441 VAA бошланғич баҳоси 2 674 000 сўм.
1983 йилда и/ч "ГАЗ-5204" русумли давлат рақами 10 557 OAA бошланғич баҳоси 3 687 000 сўм.
1989 йилда и/ч "ГАЗ-5201" русумли давлат рақами 11AX 208 бошланғич баҳоси 2 482 000 сўм.
1991 йилда и/ч "УАЗ-3152" русумли давлат рақами 10 562 OAA бошланғич баҳоси 2 419 000 сўм.
1997 йилда и/ч "ДАМАС" русумли давлат рақами 10 587 NAA бошланғич баҳоси 4 342 000 сўм.
1997 йилда и/ч "ДАМАС" русумли давлат рақами 10 614 AAA бошланғич баҳоси 5 652 000 сўм.

**"Маҳалла" ХЖФ Тошкент вилоят бўлими балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:**
1998 йилда и/ч "ТИКО" русумли давлат рақами 10 671 MAA бошланғич баҳоси 1 518 000 сўм.
2004 йилда и/ч "ГБА СПГ ДАМАС" русумли давлат рақами 10 844 KAA бошланғич баҳоси 7 084 000 сўм.
1995 йилда и/ч "ГАЗ-3102" русумли давлат рақами 10 625 BBA бошланғич баҳоси 1 505 000 сўм.
1995 йилда и/ч "VAZ-21061" русумли давлат рақами 10 208 NBA бошланғич баҳоси 1 579 000 сўм.
2004 йилда и/ч "ГБА СПГ ДАМАС" русумли давлат рақами 10 363 MAA бошланғич баҳоси 6 720 000 сўм.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 18 июнь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 28 июнь, 8 ва 18 июль кунлари соат 15:00 да ўтказилади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) иш куни олдин соат 15:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Trade Consult Service» МЧЖнинг АКБ "Туронбанк" Яшнобод филиали МФО: 01083, СТИР: 304454706, 20208000800701688001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумотларни Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 кўчаси, 69-уй манзилида ёки +998 95 169 55 50 телефон рақами орқали олиш мумкин.
Гувоҳнома № 011315.


O`QING, BU QIZIQ!



Австралия фуқароларининг паспорти харитани эслатади. Ички бетлари болалар учун мўлжалланган бўёқ китобига ўхшаш. Паспорт сиртига эса, кенгуру ва туяқуш тасвири туширилган.



Грузияликлар паспортни пластик карточка шаклида олади. Айни вақтда ундан электрон ҳамён сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.



Яна бир ноодатий ҳужжат тури Лаонияда жорий қилинган. Мазкур мамлакат фуқаролари учун паспортни рассомлар чизиб беради.

Фарангиз ОМОНУЛЛАЕВА тайёрлади.


МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-6998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Жавлон Вафоев

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.



Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г- 536
Адади — 22176
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 08.15
ЎзА якуни — 07.40
Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5